

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги видеоконференция шаклидаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда фракция аъзолари томонидан биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун киритилган “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ҳамда иккинчи ўқишда кўриб чиқиладиган “Фазовий маълумотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳалари муҳокама қилинди.



ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

хуқуқбузарликларни аниқлаш ва жазо чорасини қўллаш орқали ички ишлар органлари профилактика (катта) инспекторлари томонидан хуқуқбузарликлар профилактикаси самарали амалга оширилишига ҳамда жиноятларнинг олди олинishiга эришилади.

Аммо қонун лойиҳасида келтирилаётган сабаб ва важлар фракция аъзоларининг қаршиликлари сабаб бўлди. Мазкур қонун лойиҳаси жорий йилнинг ноябрь ойи бошларида Қонунчилик палатасига киритилган вақтида фракция томонидан билдирилган эътирозлар сабаб ташаббускорларга қайтариб юборилган эди. Аммо қонун лойиҳаси қайтадан тайёрланиб, Қонунчилик палатасига киритилгани билан фракциянинг қаршилигига сабаб бўлган омиллар деярли эътиборга олинмаган. Шунингдек, айтилган вақтда бу каби қонунга жамиятда қанчалик эҳтиёж мавжудлиги таҳлил этилмаганлиги айтиб ўтилди.

Шухрат ПОЛВОНОВ, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси:

— Ҳозир биз олис қишлоқ ва ҳудудларда ҳайвонларга нисбатан юз берадиган шифтсизлик ҳолатлари билан боғлиқ масалаларни судларсиз участка инспекторлари томонидан ҳал этишимиз деб, минглаб аҳолини қийнаб қўйдиган ҳолатларни вужудга келтириб қўймаймизми? Бугунги кунда республикада 200 дан ортиқ туман ва шаҳарлар бор, уларда минглаб участка профилактика инспекторлари хизмат вазибаларини олиб бормоқда. Эртага қонун қабул қилинган уларнинг шахсий кўрсаткичлари бу ҳолат ҳам ҳисобга олинади. Натижада улар кўрсаткичини ошириш учун ҳам 1 тадан маъмурий иш кўрсатма қанчадан-қанча фуқароларимизга жабр қилиб қўямиз.

ТАҲРИРИЯТГА ХАТ

Фаолиятингиз таҳсинга сазовор

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (омбудсман) номига фуқаро А.Садиеванинг аризаси асосида ёзган мурожаатингиз кўриб чиқилди. Мурожаатда А.Садиева болани отадан онага олиб бериш тўғрисидаги суд қароридан норозилигини билдирган бўлиб, Вакил томонидан ушбу ҳолат юзасидан Олий Судга мурожаатни мазмунан кўриб чиқиш ва фуқарони натижаси юзасидан хабардор этиш учун юборилди.



Таҳририятингиз томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида амалга ошираётган ишларингиз таҳсинга сазовордир.

С.АЗИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (омбудсман) котибияти мудир

Депутатларимиз қаршилиги сабаб РАД ЭТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ЯНА ЭЪТИРОЗЛАРГА САБАБ БЎЛДИ

Дастлаб депутатлар томонидан профилактика (катта) инспекторлари томонидан фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши кучайтириш, содир этилган хуқуқбузарликларга нисбатан улар аниқланган жойнинг ўзида хуқуқий таъсир чораларини қўллаш, шунинг-

дек, маъмурий хуқуқбузарликлар учун жазо тайинлаш механизмларини соддалаштиришга қаратилган “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси афроғлича муҳокама қилинди. Қонун лойиҳасининг қабул

қилиниши билан фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтириш ҳамда айрим тоифадаги маъмурий хуқуқбузарликларни кўриб чиқиш жараёнида хуқуқбузар содир этган қоидабузарлигига иқрор бўлиб, белгиланган жаримани судга-ча бўлган босқичда тўлаш ис-

тагини билдирган ёки жабрланувчининг хуқуқбузарлик субъектига нисбатан даъво эътирозлари йўқлиги ишни судга ҳал қилишнинг соддалаштирилган механизмлари жорий этилиши назарда тутилмоқда. Натижада бугунги кунда амалда қўлланилмаётган айрим турдаги маъмурий

Ерларни муҳофаза қилиш соҳасида самарадорлик ортадимми?

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ



САЙЛОВЧИЛАР

қуруқ ваъдаларга эмас, амалий ишлар ва ҳаракатларга баҳо беришмоқда

Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайлов округларида бўлиб, аҳолини йиллар давомида ўйлатиб келаётган газ, свет, ичимлик суви ва ички

йўللار масаласидаги муаммоларнинг ижобий ечими юзасидан ўрганишлар олиб бормоқда. Сўнги йиллардаги амалга оширилаётган сўз эркинлиги ва очиқлик сиёсати натижасида эса

бугунги сайловчилар кечаги сайловчилардек, депутатлар билан бўлиб ўтган учрашувларда қуруқ ваъдаларга эмас, амалий ишлар ва ҳаракатларга баҳо беришмоқда.

Хўш, АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР ҚАНДАЙ БЎЛМОҚДА?

МУНОСАБАТ

Янги йилдан УМИДИМИЗ КАТТА

Мустақиллик — улугъ неъмат! У эрк, озодлик ва ўз ҳуқуқини янада чуқур англаш демокдир. Мустақилликка Ўзбекистон бир кунда, тасодифан ва тўсатдан эришмади. Узоқ курашлар, ички тўғёнлар, эрксеварлик, юртга муҳаббат, ўз-ўзини англаш тўғулар қалбда мустақам ҳукмронлиги боис халқимиз орзу-ниятларига эришди.



Гулнора АҲМЕДОВА, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати

“Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!”

ғоясини ўзида мужасам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий ҳамда тарғибот-ташвиқот тадбирлари бўйича дастурлар ишлаб чиқиш бошланди.

Урф-одат ва анъаналаримизга мувофиқ

байрамсевар халқимиз. Маданият ва санъатнинг барча йўналишлари бўйича мумтозликни асровчи, янгиликлар яратувчи ижодкор аждодларнинг авлодларимиз.

Бир гапни таъкидлашни истардим, 30 йил давомида кўз олдимизда турли воқеалар, ҳодисалар содир бўлди. Энг муҳими, эндиликда биз озод ва ўз ҳуқуқини яхши англаб олган инсон сифатида жамиятимиздаги барча ўзгаришларга, ривожланишларга муносабатимизни эркин ифодалаганига қолмай, унинг тенг ҳуқуқли аъзолари сифатида иштирок этаётганимиз катта аҳамиятга эгадир. Давлат чин маънода халқнинг овозини, ташвиш ва дардини тинглай бошлади. Хусусан, пандемия даврида аҳиллик ва бирдамлигимиз авж паллага чиқди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига алоҳида эътибор, ғамхўрлик кўрсатилганлигининг гувоҳи бўлдик ва бу жараёнда иштирок этдик. Мана шу қийинчиликларни биргаликда енгиб ўтганимиз халқимизнинг бир маслак ва мақсад учун том маънода жипслаша олишидан далолат берди.

Келгуси йилни барчамиз катта умид ва ишонч билан кутмоқдамиз. Шу маънода мутақиллигимизнинг 30 йиллик байрамини Янги Ўзбекистонда янги мақсад ва ниятлар, янги иштироқлар ва ижобий натижалар билан кутиб олишга ўзимизни тўла сафарбар этамиз.

“ADOLAT” газетасига обуна давом этмоқда



Обуна — 2021 обуна индекси 100

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Бир неча кундан буён ижтимоий тармоқларда журналистлар, блогерлар ўртасида бир мавзу "айланиб" юрибди. Яъни, Олий Мажлис Сенатининг шу йил 18 декабрда ўтказилган ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқиши масаласи киритилгани сўнг кун тартибидан чиқариб ташлангани, Конституцияга ўзи айнан қандай ўзгаришлар киритилаётгани, унинг асослари нимадан иборатлиги ҳақида жамоатчиликда саволлар пайдо бўлмоқда.

"Сир тутиш"га
ҲЕЧ ҚАНДАЙ
ЭҲТИЁЖ ЙЎҚ

Мен ана шу муҳокамаларни диққат билан кузатиб келаётган, қонун ижодкорлиги жараёнларидан яхши хабардор бир депутат сифатида айрим фикрларни билдиришни лозим топдим.
Авалло, жамоатчилик кўтаратган муҳокаманинг моҳияти нимада, деган савол кўпчиликни қизиқтириши табиий.
Маълумки, Президентимизнинг 2020 йил 24 июлдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 6034-сонли фармонида 2021 йил 1 январдан умум-юрисдикция судларини ташкил этиш хусусида устувор вазифалар белгилаб берилган.

Шу нуктага назардан, Қонунчилик палатаси Президентимиз фармони эълон қилинган кундан бошлаб ўзининг тайёргарлик ишларини бошлаб юборган эди.
Суд-ҳуқуқ тизимидаги бу каби жуда муҳим ўзгаришларни, аввало, соҳа мутахассислари, экспертлар, шунингдек, жамоатчилик билан кенг муҳокама қилиш эҳтиёжидан келиб чиқиб, жойларда қатор тадбирлар, ўрганишлар ҳам ўтказилди.
Хусусан, Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари томонидан жамоатчиликнинг суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларга нисбатан муносабатини ўрганиш мақсадида мамлакатимиз ҳудудларида судьялар, адвокатлар, секторлар раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда фуқаролар билан бир неча мартаба учрашувлар ўтказилди.

Ушбу учрашувларда келиб тушган 200 дан зиёд тақлиф ва мулоҳазалар таҳлил қилинди.
Ўрганиш натижаларига кўра, жойларда суд тизимида фуқароларнинг талаб ва истакларини адолатли амалга оширишда тўсик бўлаётган муаммо ҳамда камчиликлар, одил судловни таъминлашда мавжуд тўсиқлар чуқур таҳлил қилиниб, суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган аниқ тақлифлар ишлаб чиқилди.
Қолаверса, айна масала бўйича мамлакатимиз Президентини хузурида 30 июнь кунини ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан 16-19 сентябрь кунлари ҳудудларда одил судловни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати яна кенг қўламада ўрганилди.
Қонунчилик палатасининг 50 нафар депутатидан иборат таркибда тузилган ишчи гуруҳлар ҳудудларга чиқиб, секторлар раҳбарлари, тадбиркорлар, судьялар, суриштирув ва тергов органлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари билан мулоқот қилиб, олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиш, тўпланиб қолган масалаларни ўрганиш, ўрганишлар давомида тергов ва суд органларига монеликисиз муражаат қилиш имконияти, уларда фуқароларни қабул қилиш учун яратилган шaroитлар, аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш, давлат хизматларини кўрсатишда инсон омилининг амалда қисқарганилик даражаси чуқур таҳлил қилинди.
Ҳудудларда одил судловга эришиш масалалари юзасидан аҳолининг фикрини атрофича ўрганиш мақсадида депутатлар томонидан аноним сўровлар ўтказилиб, уларда 3 мингга яқин респондент иштирок этди.
Ўрганишлар якунлари халқ депутатлари 14 та туман (шаҳар) Кенгашлари сессияларида танқидий кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бу жараёнларнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида биринчи манба, яъни, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайтида тизимли равишда ёритиб борилади. Қолаверса, Олий Мажлис муассислигидаги "Халқ сўзи" ва "Народное слово" га зеталари, марказий ва маҳаллий телеканалларда ёритилди.
Журналист ёки блогер бирон-бир материални тайёрлашдан аввал уни яхшилаб ўрганиши керак эмасми? Унда холислик ва объективлик қаредо қолади? Бугун очиклик бўйича олиб борилаётган сиёсатнинг бевосита ижрочиларидан бири — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси десак, муболага бўлмайди. Биз — депутатлар фаолиятимизни кенг оммага етказишда ҳам айнан журналист ва блогерларнинг адолатли ва холис ёндашувига таянаемиз.
Депутатларнинг жойларда олиб борган ана шундай кенг қўламада ўрганишлари, ўтказилган сўровлар, маҳаллий Кенгашлар сессияларида халқимиз, жамоатчилик вакиллари билан ўтган муҳокамалар, Қонунчилик палатасида бир неча маротаба ташкил этилган семинар ва анжуманлар бежизга эмас эди, албатта.
Буларнинг барчаси судлар тизимидаги институционал ўзгаришларни кўзда тутувчи қонун лойиҳаларининг ҳар



ШУҲРАТ ПОЛВОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзоси, Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси ўринбосари

ТОМОНЛАМА ПИШИК-ПУХТА БЎЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ, МУҲОКАМАЛАР ЖАРАЁНИДА МАСАЛАГА ЖОЙЛАРДАГИ ДУЧ КЕЛИНАЁТГАН РЕАЛ МУАММОЛАР НУҚТАИ НАЗАРДАН ӨНДАШИШ УЧУН АСҚОТИШИ ТАБИИЙ ЭДИ. ВА ШУНДАЙ БЎЛДИ ҲАМ.
Олий суд томонидан жорий йил ноябрь ойида Қонунчилик палатасига киритилган маъмур қонун лойиҳаси дастлаб ишчи гуруҳда, сўнг кўмиталарда, сиёсий партиялар фракцияларида обдон муҳокамалардан ўтказилди. Депутатлар, судьялар, адвокатлар, олимлар, экспертлар иштирокида бир неча бор ишланди.

Муҳокамалар жараёни хусусида Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайтида, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида, марказий оммавий ахборот воситаларида ёритилди. Қолаверса, депутатларнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ахборот ва муносабатлари эълон қилинди.
Бошқача айтганда, Конституцияга киритилиши кўзда тутилган ўзгаришлар, айрим ҳурматли блогерларимиз айтганидек, жамоатчиликдан "сир" тутилгани йўқ.

Келинг, яхшиси, хулоса чиқаришдан кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 128-моддасининг ўзини ўқийлик: "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли тақлиф киритилгандан кейин олти ой мўайинда Конституцияга ўзгаришлар ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисида кенг ва ҳар тарафлама муҳокама хисобга олинган ҳолда қонун қабул қилиши мумкин".

Эйтибор беринг: ушбу модда моҳиятида Конституцияга ўзгариш тегишли тақлиф киритилгандан сўнг олти ой мўайинда, кенг ва ҳар тарафлама муҳокама хисобга олинган ҳолда, қонун қабул қилиши мумкинлиги айтилапти. Яъни, олти ойлик муддат лойиҳани муҳокама этишга эмас, уни қабул қилиш учун берилган.
Қонунни қабул қилиш учун у аввал Қонунчилик палатасида, сўнг Сенатда кўриб чиқиши шарт. Бу эса, палаталар етарлича муҳокамани ташкил этиб, лойиҳани маромига етказган бўлса, истаса, уни бир ёки икки ойда ҳам қабул қилиши мумкинлигини билдиради.

Нима бўлган тақдирда ҳам, мазкур қонуннинг қабул қилиниши жамоатчиликдан сир тутилгани йўқ. Бугунги очиклик-шаффофлик, ошкоралик даврида бунга эҳтиёж ҳам йўқ, аслида. Чунки мазкур қонун ҳам, бошқалари каби халқимиз учун кўп афзалликларни юзага келтиради. Фуқароларнинг судма-суд сарсон бўлиб юришига барҳам бериб, уларнинг муаммоси бир жойда бўлиб қилинишига имкон яратади. Суд тизимини боқаршиш масалаларининг такомиллаштирилишига, шунингдек, вилоят ва унга тенглаштирилган судларни ташкилий, молиявий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш ишини янада яхшилашга туртки беради.

Вазирлар Маҳкамаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида юридик ва жисмоний шахсларга фойдаланиш учун берилиши белгиланмоқда.
Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 17 июндаги фармони талаблари асосида кодекс лойиҳасига киритилаётган ўзгаришга кўра, юридик ва жисмоний шахслар қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган қишлоқ хўжалигида мўлжалланган ҳамда ўрмон фонди ерларини ўзлаштириб фойдаланишга киритилганда ушбу ерларни иккиламчи ижарага бериш ҳуқуқига эга бўладилар. Бу, ўз навбатида, ерлардан самарали ва оқилона фойдаланишга замин яратади.
Яна бир муҳим жиҳат, юқоридаги фармон билан тегишли моддага ўзгариш киритилмоқда. Яъни унга кўра, ер участкасидан муддатли (вақтинча) фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер участкаларидан муддатли (вақтинча) фойдаланиш учун берилаётган ер участкаларида иморатлар ва иншоотлар қуриш тақиқланиши, деҳқон хўжалиги бошиқлари ва томорқа ер участкаларининг мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалик қилувчилари ҳамда ер участкасини муддатли (вақтинча) фойдаланишга олувчилари ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганилиги учун тулик жавобгар хисобланиши назарда тутилган.

Умуман айтганда, янги таҳрирдаги Ер кодекси лойиҳасининг қабул қилиниши орқали ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказишга имконият яратилади, ерга бўлган мулкчиликнинг шаклланиши жадаллашади, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назорати кучаяди ва унинг самарадорлиги ортади. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши, жумладан, ерларни ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш, ваколатига қирмаган ерлардан бериш ҳолатларининг кескин камайишига эришилади, ер участкаларини қонуний берилиши ёки сотилиши, ерларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий томондан қафолатланиши таъминланади.

Дилрабо ХОЛБАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

МУНОСАБАТ

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон илк бор жорий йилда МДХга раислик қилди. Пандемия келтириб чиқарган оғир вазиятга қарамай, йил давомида ушбу раислик доирасида аниқ режа асосида кўп томонлама ҳамкорликни изчил кенгайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистоннинг
МДХга раислиги
самарали бўлди



МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ
ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

Мамлакатимиз раҳбари МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг онлайн мажлисидаги нутқида коронавирус пандемияси оқибатларини бартараф этишда МДХнинг улкан салоҳиятидан фойдаланиш, ўзаро сазй-ҳаракатларни бирлаштириш ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш муҳимлигини алоҳида қайд этди. Ўзбекистон умумий муаммоларни ҳал қилишга янги, ношароит ва ўзаро манфаатли ёндашувларни биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга оширишга тайёрлигини билдирди.

Шунингдек, Ўзбекистон томони мазкур ташкилот доирасида кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга оид қатор тақлиф ва ташаббусларини илгари сурди. МДХ мамлакатлари ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни жадал суръатларда қайта тиклаш, Ҳамдўстлик доирасида "яшил" ва соддалаштирилган йўлақлар амалиётини кенг жорий этиш, электрон савдонинг ривожлантириш бўйича янги платформани ишга тушириш ва "йўл харитаси"ни қабул қилиш каби тақлифлар шулар жумласидандир.

Айниқса, саноат кооперацияси бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш, санитария талабларига қатъий риоя этган ҳолда ўзаро авиақатновларни имкон қадар тез фурсатда қайта йўлга қўйиш, МДХ давлатларида меҳнат фаолиятини олиб бораётган фуқароларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида меҳнат мигрантлари ҳужжатларини ўзаро тан олишининг ягона механизминини яратиш ва бу соҳада алоҳида дастур қабул қилиш каби тақлифлар нийҳоятда ўринли ва долзарб хисобланади.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан билдирилган яна бир муҳим тақлиф — Ўзбекистонда "МДХ мамлакатлари маданий мероси" конференциясини ўтказиш гоёси, шубҳасиз, Ҳамдўстлик доирасида маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш имконини беради.

Афғонистонда тинчлик ўрнатиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди ва жафокан афғон заминида тинчлик ўрнатиш бўйича сазй-ҳаракатлар, хусусан, афғонлараро тинчлик жараёнини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозимлиги яна бир бор қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти томонидан билдирилган яна бир тақлиф — МДХни 2030 йилгача бўлган даврда иқтисодий ривожлантириш стратегияси ҳамда МДХ иштирокчи-давлатларининг транспорт соҳасида 2030 йилгача бўлган даврдаги ҳамкорлигининг устувор йўналишлари тасдиқланиши МДХ мамлакатлари ўртасидаги кооперацияни чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, МДХни келгуси ўн йилликда янада ривожлантириш Концепциясининг қабул қилиниши, шубҳасиз, Ўзбекистон раислигининг энг муҳим натижаси хисобланади.

Саммит якунлари ўлароқ, Президентимиз ташаббуси билан рақамлаштириш, транспорт, саноат, меҳнат, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш бўйича "йўл хариталари"нинг қабул қилиниши эса МДХ доирасида барча соҳаларда амалий шерикликни янада ривожлантириш бўйича мамлакатимиз сазй-ҳаракатларининг барча иштирокчилар томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланганидан далолат беради.

Умуман айтганда, мамлакатимизнинг жорий йилда МДХдаги раислиги натижаларини сарҳисоб қилиб, Ўзбекистон Ҳамдўстлик доирасида анча самарали фаолият олиб борганилигини тулик асос билан айти оламиз. Ўзбекистон томонидан яқин ва ўрта истиқбол учун билдирилган амалий тақлиф ва ташаббусларининг ҳаёта изчил таътиб этилиши, шубҳасиз, МДХнинг нуфузини янада юксалтиришга, аъзо мамлакатлар ўртасидаги кооперацияни чуқурлаштиришга, Ҳамдўстлик халқлари ўртасидаги дўстлик ва ишончга асосланган ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қодир ЖЎРАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзоси, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси раиси ўринбосари

ФАОЛИЯТ

Депутат НЕГА НОРОЗИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Олтиной Маъмирова ижтимоий соҳа объектлари фаолиятига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳудудлардаги раҳбарлар билан мулоқотларда таълим ва тиббиёт муассасаларининг истилишини энг долзарб вазифа сифатида кўрсатиб ўтди.

Халқ вакили Жалақудук туманида бу борада олиб борилаётган ишларни ўрганиб, жумладан, Пахтакор қишлоқ врачлик пунктига киритиб борганида мазкур тиббиёт муассасаси ҳодимлари сувоқдан иш юрита олмаётганига гувоҳ бўлди. Ўзбекистон "Адолат" СДП фаоллари билан ўрганилганда КВПнинг иситиш тизими ишламаётганлиги аниқланди. Ши-фокорлар сабаб сифатида электр энергиясидаги узил-лишни кўрсатди.
Аслида, бу баҳона. Иситиш тизимини таъмирлаш зарур. Беморларга муолажа кўрсатилаётган хоналарнинг совуқлигига чидаш қийин. Бу ҳолатда соғлом одам ҳам касал бўлиши сувоқдан иш юрита олмаётганига гувоҳ бўлди. Ўзбекистон "Адолат" СДП фаоллари билан ўрганилганда КВПнинг иситиш тизими ишламаётганлиги аниқланди. Ши-фокорлар сабаб сифатида электр энергиясидаги узил-лишни кўрсатди.
Анджон вилоят кенгаши матбуот хизмати

КОДЕКС ЛОЙИҲАСИ — МУҲОКАМАДА

Ердан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳаётий масала бўлиб, халқимиз яшаш тарзи, фаолияти ва фаровонлигини таъминлашнинг муҳим асоси сифатида дозарб аҳамиятга эга.



Ерга оид ҳуқуқий муносабатларни янада такомиллаштириш бугунги кунда айни зарурат бўлиб, бу ўз навбатида, ердан илмий асосланган тарзда, мақсадли фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиши, тупроқ умумдорлигини тиклаш, сақлаш ва ошириши, табиий муҳитни асраш ҳамда яхшилаши, хўжалик юртишининг барча шакллари тенг ҳуқуқлилик асосида ривожлантириш учун шароит яратиши, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиши назарда тутилди.
Олий Мажлис Қонунчилик палатасида дастлабки тарзда муҳокама қилинаётган янги таҳрирдаги Ер кодекси лойиҳаси ана шу нуктага назардан ишлаб чиқилгани билан аҳамиятлидир. Айни пайтда лойиҳа-

ни такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ўрганилмоқда.
Бинобарин, ушбу ҳужжатда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назоратини кучайтириш, бу борада давлат назоратини амалга оширувчи ваколатли органлар — Давлат солиқ кўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Аграрно-ноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Давлат экология кўмитаси ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда уларнинг худудий бўлинмалари ваколатлари, шунингдек, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилмоқда.
Президентимизнинг 2020 йил 7 сентябрдаги фармонида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, назорат қилиш

органларининг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида кодекс лойиҳасида уларнинг вазифалари аниқ кўрсатилмоқда. Мисол учун, Кадастр агентлиги ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, Давлат экология кўмитаси ерларни муҳофаза қилиш, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Аграрно-ноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси эса қишлоқ хўжалиги мўлжалланган ерлардан фойдаланиш, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалиги мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириши акс этмоқда.

Янги таҳрирдаги кодекс лойиҳасида ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида янги норма киритилмоқда. Шу билан бирга, ер мониторингини амалга оширувчи органлар вазифалари ҳам аниқлаштирилмоқда. Шу ўринда қайд этиш жоиз, ер мониторингини ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер фондининг ҳолатини кузатиб туриш тизимидан иборат.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ер участкаларига бўлган мулкчилик тури, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган хусусий мулк ҳуқуқининг вужудга келиши ва унинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши, ер участкасига бўлган ҳуқуқлар ва уларнинг бошқа шахсга ўтиши, ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ва улар билан боғлиқ битимлар, шунингдек, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш, ҳуқуқ бўйича ворислик, ер участкаларини бериш (сотиш) ва уларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиби, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни чеклаш ҳамда юридик ва уларга бўлган ҳуқуқларни бекор қилиш билан боғлиқ нормалар кодекс лойиҳасида ўз аксини топапти.
Ер участкаларига бўлган мулкчиликка оид моддада Ўзбекистон Республикасида ер участкалари давлат мулки ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусий мулки бўлиши мумкинлиги белгиланган бўлмоқда. Киритилаётган ўзгаришга кўра, давлат мулкидаги ер — давлат мулкидир, ундан оқилона ва самарали фойдаланиш зарур, у давлат томонидан муҳофаза этилади ҳамда айирбошланмайди, ҳада этилмайди, гаровга қўйилмайди ва ўзгача усулда бошқа шахсга ўтказилмайди.
Шунингдек, давлат мулкидаги ерлар

САЙЛОВЧИЛАР қуруқ ваъдаларга эмас, амалий ишлар ва ҳаракатларга баҳо беришмоқда

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ:

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зухра ИБРАГИМОВА ҳам жорий йилнинг 19 декабрь куни аҳолининг қатламлари билан тўғридан-тўғри мулоқотни кенгайтириш, мавжуд долзарб муаммоларни аниқлаш, уларни бевосита жойида бартараф этиш юзасидан Қорақалпоғистон Республикасидаги Беруний туманида бўлиб, сайёр қабул ўтказди.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ:

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилрабо ХОЛБАЕВА ҳам ўз округида бўлиб, сайловчилар билан мулоқотлар ўтказди. Депутатнинг навбатдаги учрашувлари Янгийўл шаҳар ва туманидаги “Фаровон”, “Навбахор”, “Гулбахор” маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб ўтди. Очiq мулоқотларда маҳаллалар аҳолининг муаммолари тингланди.

Янгийўл шаҳар “Фаровон” МФИда яшовчи фуқаро Умида Эрназарова мурожаатида янги қурилган уйга ариза берган ва тўловни амалга оширганини билдирган. Аммо тўлов муддати баённомада кўрсатилган муддатдан кечикканлиги сабабли унга ваъда қилинган хонадон бошқа одамга расмийлаштирилганлиги ўрганишлар давомида маълум бўлди. У.Эрназарова халқ вакили Д.Холбаевадан ушбу масалани ижобий ҳал этилишида амалий ёрдам сўради. Депутат ушбу муаммо юзасидан шаҳар ҳокими Ф.Мирзаев билан учрашиб, масалани жойида ҳал қилди. Натижада У.Эрназаровага уй расмийлаштириб бериладиган бўлди.

Шунингдек, депутатимиз эндигина тadbиркорлик фаолиятини оғирита бошлаган Янгийўл тумани “Навбахор” маҳалласи Гулбахор кўрғонига яшовчи хусусий тadbиркор Муҳитдин Исроилов билан учрашди. М.Исроилов депутатдан 6 гектарлик иссиқхонада қулупнай етиштириш учун субсидия олишда муаммоларга дуч келаётганлигини айтиб, амалий ёрдам сўради. Тadbиркорнинг мурожаати депутат Д.Холбаеванинг назорати остида мутасаддилар иштирокида қисқа фурсатларда ҳал этиладиган бўлди.



АНДИЖОН ВИЛОЯТИ:

Ўзбекистон “Адолат” СДПдан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Олтиной МАЪМИРОВА сайловчиларнинг мурожаатлари билан ишлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, Жалақудуқ туман ҳокимлигида ташкил этилган қабул давомида фуқаролар ўзларини қийнаётган бир қатор муаммолар билан халқ вакилига мурожаат қилдилар.

Учрашувда “Қораятоқ” маҳалла фуқаролар йиғини, “Янги турмуш” кўчасида яшовчи фаоллар томонидан МТМ масаласида мурожаат бўлди. “Худудимизда илгари 1 та давлат мактабгача таълим муассасаси бор эди. Эскиргани сабаб бу жойдан фойдаланилмаётгани учун тadbиркорга берилган. Энди болаларимиз учун МТМ йўқ. Жойларда замонавий мактабгача таълим муассасалари ташкил этилаётганини кўриб, бизнинг фарзандларимиз ҳам шундай мактанларда тарбия олса деймиз. Хозирда маҳалламизда 120 нафар бола МТМга муҳтож,” деди фаоллар.

Депутат О.Маъмирова бу масалани алоҳида назоратга олишини, эртасини эгалари бўлган ёш абул вакилларининг сифатли таълим-тарбия олишини таъминлаш ва бу борада барча зарурий шароитларни яратиб бериш “Адолат” СДПнинг олдида турган энг муҳим вазифалардан бири эканлигини таъкидлади.

Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавлудахон АДҲАМЖОНОВА Андижон туманидаги “Отчопар” маҳалласи аҳли билан учрашувда МФЙ раисининг тез-тез алмашuvi, худуддаги айрим муаммолар сабаб фуқароларда бугунги маҳалла етакчиси қандай бўлиши керак, деган савол туғилади. Айни шу масалада амалга оширилган ишлар билан бир қаторда мавжуд муаммолар, табиий газ таъминотидаги узиллишлар, ички йўللارни таъмирлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Муаммоларнинг ечимини топиш учун МФЙ раиси ташкилотчи, ташаббускор ва етакчи бўлиши лозимлиги айтилди.

Учрашувда фуқаролар томонидан билдирилган ягона эътироз қишлоқни қайта газ таъминотига улаш масаласи бўлди. “Республикамиздаги газнинг 68 фоизини бизнинг вилоятимиз етказиб беради. Унинг ҳам асосий қисми шу қишлоқ аҳолиси меҳнати билан қазиб олинади. Аммо биз заводнинг ёнида газ ҳидини ҳидлаб яшаётганимиз, бизга қачон газ берилади? Қишлоқдаги барча газ қувурлари сифатли ҳолатда турибди. Бор-йўғи заводдан қишлоққача 3 километр масофага газ труба уланса бўлди,” дейди фуқаролар. Ушбу муаммо депутатимиз томонидан назоратга олинди.

Кашқадарё вилоятидан Конунчилик палатасига сайланган депутат Дилшод ҲАМЗАЕВ Ғузур туманидаги 1-умумтаълим мактабда ўқитувчилар ва аҳоли билан учрашди. Шу ерда мактаб ўқитувчилари ва ота-оналар илм маскани учун янги спорт зали қуриб берилишига ёрдам сўрашди. Мулоқотда мактаб директори Лола Усмонова томонидан мактабда ўқувчи сифидан икки баробар кўп ўқувчилар таълим олаётганлиги боис қўшимча ўқув биноси ҳам эҳтиёж борлигини маълум қилди.

Депутат Дилшод Ҳамзаевнинг сайё-ҳаракати туфайли бу муаммо 2021 йилда туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига киритилди.



Туман марказида аҳоли ва фаоллар билан ўтказилган мулоқот жараёнида Бўстон маҳалласида бир неча йиллар олдин 750 хонадонга мўлжалланган “Ешлик” тураржой мажмуаси барпо этилганлиги, бугунги кунгача 500 дан ортиқ хонадон эгалари бу ерга кўчиб ўтганлиги, аммо жойлашганига 10 йилга яқин вақт бўлишига қарамастан, аҳоли ҳамон ичимлик суви, газ ва электр энергиясининг йўқлигидан азият чекишяётганлиги, аҳоли қўлбола усулда тортиб борган электр токи эса бир фазада ёниб, фарзандларининг дарс қилишига имкон бермаётганлиги ҳамда қўлбола симёғочлар уларнинг ҳаётига хавф солаётганлигини, массивнинг эса бор-йўғи йиллар давомида 2 та қўчасига паст қувватдаги газ билан таъминланганлигини таъкидлашди.



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ:

Конунчилик палатаси депутати Дилмурод ИСМОИЛОВ жорий йилнинг 17-21 декабрь кунлари Наманган вилоятидаги 43-Дўстлик сайлов округида бўлиб, ўз сайловчиларини қийнаб келаётган бир қатор муаммолар юзасидан очiq мулоқот ўтказди.

Мулоқотлар жараёнида Наманган шаҳридаги «Юксалиш» ва «Атанган гузар» маҳалла фуқаролари томонидан аҳолини кўпроқ ташвишга солаётган муаммолардан бири, бу суялтирган газ балонлар билан таъминланмаётгани ҳамда кўмирга жуда кўпчиликнинг эҳтиёжи борлиги масаласидаги мурожаат бўлди.

Мазкур масала депутат бошчилигида мутасадди идоралар билан ҳамкорликда қисқа вақт ичида ҳал этилиб, шу куннинг ўзида 2 та маҳаллада яшовчи 100 та хонадонга суялтирилган газ билан тўлдирилган газ балонлари ҳамда 11,5 тоннадан ортиқ сифатли кўмир етказиб берилди.

Депутат Дилмурод Исмоилов томонидан вилоятда ёшларнинг таълим-тарбия олишлари учун яратиб берилган шароитлар ҳамда ижтимоий соҳа объектларининг куз-қиш мавсумидаги фаолияти ҳам ўрганилди. Парламент аъзоси 48-умумтаълим мактабиде ёшларга таълим-тарбия бериш масаласи қандай йўлга қўйилганлиги билан танишди. Маълум бўлишича, мазкур таълим масканида 2400 дан зиёд ўқил-қиз таълим олмақда. Аслида эса мактаб 1200 ўринга мўлжалланган. Шунинг учун машғулотларни икки навбатда ташкил этишга тўғри келмоқда. Бу эса, албатта, бирмунча қийинчиликлар туғдиришмоқда. Педагог ва ўқувчилар билан ўтказилган суҳбат жараёнида жисмоний тарбия ва спорт дарсларини ўтказиш учун ҳам шароитлар етарли эмаслиги маълум бўлди.

— Ушбу мактабдаги муаммоларга халқ таълими бўлими ўз вақтида эътибор қаратмаган, — дейди Қонунчилик палатаси депутати Дилмурод Исмоилов. — Спорт инвентарлари масаласини ҳоимлар ёрдамида ҳал қилиб беришни зиммага олдим. Аммо кутубхонани кенгайтириш муаммоси ҳам бор. Уни ҳал этишга қурувчиларни жалб этиш лозим. Шунинг учун депутатлик сўрови тайёрлаш керак, деб уйлайман. Унда китоб фондани янги адабиётлар билан тўлдириш масаласи ҳам қўйилди.

ФАРФОНА ВИЛОЯТИ:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Гулбахор САИДҲАНИЕВА Бағдод туманидаги “Қўтқармон-1” МФИда сайловчилар вакиллари билан юзма-юз мулоқотларда фуқароларнинг қизиқтирган саволлар, масалалар ечимлари хусусида ҳуқуқий маслаҳатлар берди.

— Умумтаълим мактабимиз 270 ўринга мўлжалланган, — дейди 19-мактаб ўқитувчиси Муқаддамхон Мирзаалиева. — Аммо шариот туфайли бугунги кунда 843 нафар ўқувчи тахсил олмақда. Бизга қўшимча ўқув биноси, спорт зал жуда зарур. Депутатга бу борада амалий ёрдам сўраб мурожаат қилдим.

Мактабларда ишловчи техник ходимларнинг ойлик маошларини ошириш, электр энергиясининг узлуқсизлигини таъминлаш, пенсия таъминоти сингари масалалар ўртага ташланди. Депутат газ, кўмир омбори, электр таъминоти корхоналари вакиллари билан суҳбатлашди.

Туманда аҳолига қаттиқ ёниб қолган ажратиб беришда айрим камчиликлар кўзга ташланмоқда. Хусусан, шу кунга қадар кўмир ва брикет билан таъминлаш аҳоли жон бошига ҳисобланганда 25-30 килограммга тўғри келади. Бу жуда оз. Қолаверса, ажратилган кўмир Учқўприк туман “Қақир” омборидан ташиб келтириляпти. Бу аҳолига етказишда ўзига хос қийинчиликлар туғдиришмоқда.

Депутат аҳоли вакиллари ва маҳаллий раҳбарлар билан куз-қиш мавсумига тайёргарликда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари, мавжуд муаммолар ечимлари юзасидан фикрлашди. Бозорларда нарх-наво ошишининг олдини олиш, аҳолининг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, дехқон бозорлари, йирик савдо тармоқларида байрам ярмаркалари ташкил этиш ва арзонлаштирилган маҳсулотлар савдосини йўлга қўйиш борасида амалий ишлар билан танишди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулбахор Саидханиева ҳар бир мурожаатга эътибор қаратиб, уларни қонун доирасида ҳал этишга амалий ёрдам бермоқда. Утган ойлар давомида сайловчилардан келиб тушган 100 дан зиёд мурожаат қўриб чиқилиб, уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди.

Фаррух АБДУҲАМИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси ижрочи котиби



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ:

“Халқ давлат идоралари учун эмас, давлат идоралари халқимиз учун хизмат қилиши керак”, деган ғоя бугун ҳаётимизнинг асосий мазмунига айланиб бормоқда. Ҳар бир мурожаат орғида эса инсон тақдирини, уни ўйлантараётган муаммолар ётади, албатта.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шухрат ПОЛВАНОВ Нуробод туманининг бир қатор маҳаллаларида бўлиб, аҳоли билан учрашди.

Юзма-юз мулоқотлар жараёнида туман аҳолиси томонидан иш билан таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, суд қорорлари, йўллارни таъмирлаш, газ ва электр таъминоти, уй-жой коммунал хизмати, соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим ташкилоти ташкил этилиши, тижорат банкларига оид ва бошқа масалаларда жами 50 дан ортиқ мурожаатлар қабул қилиниб, шундан 7 та му-

рожаат ижобий ҳал қилинди, 12 та мурожаатга тушунтириш берилди ва 34 та мурожаат ижро учун депутат назоратига олинди.

Шунингдек, 57-Сўғдиёна сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутат Елена КАМПОЛЬШИК халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари билан биргаликда, бозорлардаги нарх-навонинг бугунги ҳолати, санитария-гигиена қоидаларига риоя этилиши аҳоли билан танишиш мақсадида шахримиздаги “Темир йўл дехқон бозори” МЧЖда бўлди.

У “Даладан дастурхонгача” тамойили асосида ташкил этилган арзонлаштирилган маҳсулотлар ярмаркаси фаолияти билан танишар экан, бозор раҳбари Файрат Ақобировга кўзга ташланган муаммо ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, байрам арафасида харидорларга янада қулайликлар яратиш борасида зарур тавсиялар берди.



КАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ:

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Абдуғани УМИРОВ Қарши тумани маҳаллалари аҳолиси ҳамда мактаб ўқитувчилари билан мулоқот ўтказди.

Айни пайтда туманда 51 та маҳалла, 43 минг 700 дан ортиқ хонадон мавжуд. Уларда 231 минг 730 нафар аҳоли истиқомат қилади. Вилоят марказига яқин бўлган ушбу туманда коммунал соҳага оид муаммолар нисбатан кам қайд этилиши керак. Афсуски, мулоқот жараёнида туманда бир қатор ечимини кутаётган, одамларни қийнаб келаётган муаммолар борлиги аниқланди. Хусусан, ўқитувчилар тарафидан 7-, 55-, 33-, 34-умумтаълим мактабларида табиий газ ҳамда электр таъминотида узиллишлар бўлаётганлиги-

ни маълум қилишди. Депутат ҳақиқий аҳолини ўрганиб, мактабларда синф хоналарида иссиқ эмаслигини ўз кўзи билан кузатди. Шундан сўнг тумандаги газ таъминоти ва электр тармоқлари корхонаси мутасаддиларига тегишли кўрсатмалар берилди. Хозир йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилмоқда.

Муборак туманидаги Қарлик қишлоғи Муборак газни қайта ишлаш заводидан унча узоқ бўлмаган масофада жойлашган. Қишлоқ аҳолисининг аксарияти мазкур заводда ёки газ қазиб олиш соҳасида иш-

лайди. Аммо қарликликларнинг таъбири билан айтганда «завод ёнида газ ҳидини ҳидлаб яшаётган» мазкур қишлоқ аҳли хонадонларида табиий газ йўқ.

Бугунги кунда Қарлик қишлоғида 26 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Қишлоқда бешта МФЙ бор. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Маҳфизат ХУШВАҚТОВА Муборак тумани ҳокими билан биргаликда Қарлик қишлоғи фуқаролари билан учрашди. Учрашувда қишлоқ фаоллари томонидан 2015 йилгача қишлоқ аҳолисига табиий газ таъминоти тўлиқ бериб келинганини, аммо 2015 йилда маҳаллий ҳокимлик қарори билан аҳоли газ таъминотидан узилганини билдиришди.

ШАХСИЙ ФИКР

70 ёшни қоралаётган қўшим Жуманазар ота сергайратлиги, ҳаракатчанлиги билан унча-мунча ёшлардан ўзиб кетади. Ҳар куни эрталаб ҳам, кечки пайт ҳам кўчада сайр қилишни яхши кўради, сузиш билан шуғулланади. Нуруний отахон билан ҳар қандай мавзуда суҳбатлашса бўлади, суҳбатдошини ҳечам зериктирмайди. Лекин қарилликка даво йўқ дейишганидек, отахонни қандли диабет, қон босими ошиши сингари касалликлар тез-тез “йўқлаб” туради.

ЖАРИМАДАН МАҚСАД



ПУЛ ИШЛАШМИ?

**ШИФОХОНА ЙЎЛИДА...
2 МИЛЛИОН 230 МИНГ СЎМ
ЖАРИМА**

Бир куни қўшим ўзига хос бўлмаган тарзда тушқун кайфиятда юрганини кўриб қолдим. Одатдагидек саломалиқдан сўнг кайфияти йўқлиги сабабини сўрадим. Дардини дастурхон қилишга ўрганмаган бўлса-да, отахон яқиндагина шахримиздаги шифохоналардан бирида қандли диабет касаллигини даволаш учун ётиб чиқганини, лекин шифохонадан чиққунча уйига “ГАИ” дан “хабарнома” келгани ва ҳозирда дориларию егуликларидан ортириб, давлатга 2 миллион 230 минг сўм жарима тўлашга мажбур бўлаётгани ҳақида сўзлаб берди.

“Энг қизиги, қоидабузарлик қайд этилган кун ва вақтда шифохонага кетаётганим. Уйларимни безовта қилмай, ўқиш ва ишларига вақтида бора-қолишим деб, ўз автомобилнида боргандим. Қон босимимни лимонли чой ичиб, озрок туширгандек бўлиб уйдан чиқдим. Лекин аҳолимни жудаём яхши деб бўлмасди. Шу пайтда шифохонага яқин жойдаги темир йўллардан поезд ўтаётганди. Шифохонага эса темир йўлга етмасдан ўнг томондаги кўчага кириш керак эди. Темир йўл поезди ўтишини кутиб турган автомобиллар кўпчилиги боис қарама-қарши томондаги йўл орқали юришга мажбур бўлдим. Ваҳоланки, ҳеч кимга халал бермадим ёки “авария” ҳолати юзага келишига йўл қўймадим. Қарама-қарши томон бўшлигини, у томондаги автомобиллар темир йўл кесилишининг нариги томонида йўл очилишини кутиб турганини кўриб, шифохонага бурилиб олдим, холос”, деди отахон.

Қўшим айтётган кўчада видеокамера ўрнатилган ёки ўрнатилмагани билан қизиқдим. “Аслида хафа бўлаётганимнинг сабаби шу-да. У ерда ҳеч қандай видеокамера йўқ. Лекин ўша ерда ҳаракатланаётган бошқа бир ҳайдовчи мен ва мен сингари темир йўлга етмасдан кириб кетиладиган кўчага йўл олганларни ўзининг видеокамерасига тўшириб, “ГАИ”га жўнатибди. Ахир, шу тўғрими? Биз, катталар болаларимиз, набираларимизга чакмачарлик ёмон, хунук одадлигини тушунтирамиз, лекин ўзимиз шу маслаҳатларимизга қулоқ солмасак, яна бу иллатни рағбатлантмасак...”

Дарҳақиқат, болалигимда бувим раҳматли ёлғон сўзлаш билан бир қаторда чакимчилик энг ёмон иллатлардан бири эканлигини бот-бот ўқитарди: “Чакимчилик қилинганида бир одам бошқа бир одамнинг ёмон ҳаракати ҳақида хабар беради. Қадимда ота-боболаримиз ўртасида “Чакимчилар жаннатга қирмайди” деган гап бежиз айтилмаган. Сабаби, бу ёмон одат тўғриси одамлар ўртасида адоват, нафрат уйғониши ҳеч гап эмас”.

Масаланинг ижтимоий жиҳати эътибор қаратсак, ҳар қанча кўз юмишга ҳаракат қилмайлик, бир томондан қўшим чиндан ҳам йўл ҳаракати қондасини бузган. Бу ҳолатни жимгина кузатиб тура олмаган бошқа бир ҳайдовчи бу ҳақда тегишли ташкилотга маълумот берган. Яъни, фуқаролик позициясини намоён қилган, деб қабул қилайлик.

Шу боис Жуманазар ота Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128-моддасида қайд этилганидек, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўлнинг қарама-қарши ҳаракатланиш учун мўлжалланган томонига ёки бўлагига йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳолда чиққанлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдоридан жаримага тортилган. Қонун барчага баробар бўлиши кераклигини инобатга олсак, отахонга жўнатишган “хабарнома” осмондан тушмаган ва ҳар бир қоидабузар ўз қилмишига яраша жазосини олиши керак.

**АВВАЛ ШАРОИТ ЯРАТ,
КЕЙИН ЖАРИМА БОС!**

Аммо бугун орамизда Жуманазар ота сингари қоида бузишга мажбур бўлаётганлар ҳам йўқ эмас-ку. Масалан, кимдир шошилинч тиббий ёрдамга эҳтиёж сезган вақтда белгиланган меъёрдан кўра тезроқ ҳаракатланиш ёки Жуманазар ота сингари қарама-қарши томондан юришга мажбур бўлиши мумкин. Ёки олайлик, баъзан ҳайдовчи тўхташ мумкин бўлмаган жойда тўхтаб, транспорт ичидида ёш болали йўловчи ёки кексаларга ёрдам кўрсатишига тўғри келиши мумкин. Шу ўринда кўп учрайдиган яна бир ҳолатга ҳам эътибор қаратайлик. Худудларимизда инфратузилма етарли даражада ташкил этилгани ҳам ҳайдовчиларнинг айрим ҳолларда қоида бузишга сабаб бўлапти. Яна ҳам аниқроқ айтганда, мажбур қилапти. Қуйида фикримни асослашга ҳаракат қиламан.

Мамлакатимизда ҳозир нима кўп? Янги қурилган ва қурилаётган бино ва иншоотлар кўп. Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотида

кўра, бугунги кунда ҳар 100 та оилга 48 та автомобиль тўғри келади. Бу дегани, деярли ҳар икки хонадонда йўқ деганда 1 та автомобиль бор. Бу ҳам юртдошларимизнинг турмуш шароити яхшиланиб бораётганидан далолат. Лекин бугун бунёд этилаётган бино ва иншоотлар атрофида автомобилларни қўйиш учун жойлар етарлими, деган саволга жавоб, афсуски, қониқарли эмас. Шаҳарсозлик меъёрларига мувофиқ, автомобиль турар жойларида ҳар бир автомобиль учун камида 2,5х5 метрлик жой ажратилиши керак. Лекин аксарият ташкилотларда, айниқса, пойтахт шаҳарда автомобиллар сони билан автомобиль турар жойлари учун ажратилган майдон ўртасида катта тафовут бор.

Бу ҳолатни одамлар кўп тўпланадиган бозорларимизнинг автотураргоҳлари мисолида ҳам айта оламиз. Қанча ва қайси бозорга қарама, “жой йўқ”, “мест нет” ёзувига кўзингиз тушади. Халқимиз ўртасида “Ипподром” номи билан танилган “Чилонзор буюм савдо комплекси” бозори ва унга туташ кетган бошқа савдо мажмуаларидаги дўконлар сони орта ортаёқлики, лекин автотураргоҳлар кенгайтирилмапти. Ахир, бозорга келган, лекин узундан-узун тирбандликлардан ўтиб ҳам автотураргоҳдан жой топа олмаган ҳайдовчи нима қилсин? Машинасини йўлнинг тўхташ мумкин бўлмаган жойига, яъни йўл четига қўяди-да.

— Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий суди биносига иш билан боргандим, — дейди бир дугонам ҳасрат қилиб. — Олий суд автотураргоҳига беғона машиналар киритилмас экан. Автомобилимни жойлаштириш учун тўхтаб туриш мумкин бўлган жой излаб, жоним ҳалак бўлди. Кейин бинонинг яқинроқ жойига, йўл четига қўйишга мажбур бўлдим. Хуллас, бир муаммо изидан бошқаси келаверади, деганлари шу бўлса керак. Олий судга адолат истаб боргандим, лекин жарима ишлаб олдим: кўп ўтмай уймуга хабарнома келди. Кимдир машинани суратга тўшириб, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига жўнатиб юборибди. Одамларга ҳам хайронсан, ўзлари ҳам қўриб, билиб турибди-ку, мажбуриликдан ўша жойга машина қўйганимми...

Хуллас, дугонанинг ҳасрати бугун кўпчилик ҳайдовчиларга таниш.

ЖАРИМА: КИМДА? ҚАНДАЙ?

Мақоламизнинг шу жойида ҳайдовчиларни қийнаётган яна бир масалага эътибор қаратмасак бўлмас. Ўзбекистонда йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун белгиланган жарима миқдори ҳисобланишида базавий ҳисоблаш миқдори инобатга олинади. Бу нисби тушунарли.

Келинг, яхшиси жарималар миқдори одамларнинг ўртacha иш ҳақидаги улуши қайси давлатда қандай эканлигини таҳлил қилиб кўрсак. Узоққа бормайлик, аҳоли сони бўйича, ўз-ўзидан ҳайдовчилари сони бўйича бизга нисбатан камроқ ва кўпроқ икки қўшни давлат мисолида Ўзбекистондаги жарималар миқдорини таҳлил қилсак.

Қозғоғистон Республикасида 18 миллиондан ошқ аҳоли яшайди. Республикани стратегик ривожлантириш ва ислохотлар ўтказиш агентлигининг Миллий статистика бюроси сайти stat.gov.uz да ёзилишича, 2020 йил ноябрь ҳолатига кўра, Қозғоғистон Республикасида ўртacha иш ҳақи 211 033 танга (ўзбек сўмида 5 миллиондан

СУЛОСА УРНИДА

Мантиқан олиб қаралганда жарима ва тўловлар миқдорини белгилашда одамларнинг ўртacha даромади инобатга олинса, яхши бўларди. Бундан ташқари, ҳайдовчиларга жарима солишдан аввал айрим қоидабузарликларга нисбатан “огоҳлантириш” жазосини қўйлашни ҳам ўйлаб қўриш керакмикин? Нима учун ҳар қандай нотўғри ҳаракат учун иқтисодий жазо чораси қўлланилиши шарф?

Яна бир жиддий муаммонинг ечимини излашимиз лозим. Яъни, автомобиллар тўхтаб туриши учун етарлилик жой ажратилса, яқин истиқболда аҳоли қанчалик ошмиш-ю, уларда яна қанча транспорт воситаси бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиш вақти аллақачон келган, назаримизда. Ёки хорижий давлатлардаги каби пуллик автотураргоҳларни ҳам кўпайтириш мумкин-ку. Ер ости, ер устидан унумли фойдаланган ҳолда хусусий тадбиркорларга автотураргоҳларни қуришга имкон беришимиз керак.

Қолаверса, мақола аввалида тўхталганимиздек, Жуманазар ота ёки у киши сингари бошқа ҳайдовчиларнинг қоидабузарлигини видеоасвирга тўшириб, уни тегишли ташкилотларга юборган ҳамюртларимизнинг хатти-ҳаракатини қўллаб-қувватлашга қаршиман. Тўғри, жамоатчилик назоратини кучайтиришимиз керак, одамларга қонун бузилишига нисбатан мурасасиз муносабат билдиришни ўргатишимиз зарур. Лекин бундай муносабат муайян миқдордаги муқофот эвазига бўлиши керак эмас. Жариманинг фалон фозини олиш учунгина ўзларини фаол фуқаро қилиб кўрсатаётганларни оқлашга, очиги, уялман.

ошади). Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ, лекин 40 километрдан кўп бўлмаган катталикда ошириб юбориши 15 минимал иш ҳақи ҳажмига тенг, бу эса 39765 тангани ташкил этади. Демак, бу жарима қиймати ўртacha иш ҳақининг тахминан 18 фоизига тўғри келади. Энг кўп учрайдиган қоидабузарликлар, хусусан, ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариш ва йўловчилар ташишда хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслиги ёки транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиши Қозғоғистонда беш минимал иш ҳақи миқдоридан белгиланган. Бу эса 13255 тангага, яъни ўртacha иш ҳақининг 6 фоизига тенг.

Салкам 147 миллионлик аҳолига эга Россия Федерацияси давлат статистика Федерал хизмати маълумотида кўра, мамлакатда ўртacha иш ҳақи 62 239 рублга (ўзбек сўмида 8 миллиондан ошқ) тенг. Россияда транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ, лекин 40 километрдан кўп бўлмаган катталикда ошириб юбориши учун белгиланган жарима 500 рубль, яъни ўртacha иш ҳақининг 0,8 фоизига тўғри келади. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузгани учун ҳам худди шунча миқдордаги жаримага тортилади. Ҳа, айтганча, бундай вазиятда ҳайдовчи пуллик жарима эмас, балки “огоҳлантириш” берилиши ҳам мумкин. Хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик эса ҳайдовчининг 1000 рублик жаримага тортилишига сабаб бўлади. 1000 рубль эса ўртacha иш ҳақининг 1,6 фоизи демакдир.

Энди Ўзбекистондаги ҳолатни таҳлил қилсак. Давлат статистика қўмитаси берган маълумотга кўра, жорий йилнинг январь ойидан июнь ойигача бўлган даврда Ўзбекистонда ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2 миллион 553 минг сўмни ташкил этади. Юқорида айтганимиздек, йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарималар миқдори базавий ҳисоблаш миқдоридан (БҲМ) келиб чиқиб ҳисобланади. Ҳозирда БҲМ 223 000 сўмга тенг. Аҳоли сони эса 34 миллионга яқин.

Ўзбекистонда транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ, лекин 40 километрдан кўп бўлмаган тезликда ошириб юбориш базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдоридан жарима солишга сабаб бўлади. Бу эса, 1 115 000 сўм, яъни ўртacha иш ҳақининг деярли 44 фоизига тенг дегани!

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиши, ҳайдовчиларни базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдоридан жарима солинишига сабаб бўлади. Демак, бугунги кунда 669 000 сўмлик жарима ўртacha иш ҳақининг 26 фоизини ташкил этади.

Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариш ва йўловчилар ташишда хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаслиги эса базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисми миқдоридан жарима солишга сабаб бўлади. Яъни 115 000 сўм — ўртacha иш ҳақининг 4 фоизи демакдир.

Саодат СОДИҚОВА,
“Adolat” муҳбири

Тошкент вилоят Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармаси жамоаси

Юртимиз аҳлини ҳамда тизимимизда ҳормай-толмай меҳнат қилаётган ходимларни яқинлашиб келаётган 2021 йил билан МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин!



ПАРКЕНТ ТУМАН ГАЗ ТАЪМИНОТИ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Халқимизни Янги — 2021 йил билан табриклайди!

Она диёримизда тинчлик, хонадонларда тотувлик, байрамона хуш кайфият бардавом бўлсин! Янгидан-янги ютуқларга эришаверайлик.

Соғлом овқатланиш кафолати — ёш авлод камолоти

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ

Маълумки, сўнгги тўрт йил мобайнида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бошқа жабҳалар қатори мактабгача таълим тизимида ҳам кенг қўлданги ислохотлар амалга оширилди. Бу борада Жанубий Корея ва ривожланган давлатлар тажрибаси соҳадаги янгила-нишларнинг асосий омилларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Айниқса, мактабгача таълим ташкилотларида болажонларимизни соғлом ва тўлақонли овқат-лантириш уларнинг жисмонан бақувват ва руҳан тетик бўлиб вояга етишини таъминламоқда. Бинобарин, тизимдаги ислохотлар доирасида айни масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фарғона шаҳридаги "SVET WHIT INVEST" хусусий корхонаси таъсисчиси Светлана Султонова ҳам Юртбошимизнинг ана шу ташаббусига хайрихоҳ ҳолда ўз тadbirkorлик фаолиятини юритмоқда. Яъни, мактабгача таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда эртамиз эгалари бўлган ёш авлодни соғлом овқатлантиришга бел боғлаган.

— Бугунги кунда аутсорсинг тизимида иш юритиб, Фарғона шаҳридаги 1, 6, 9-сонли ҳамда Риштон туманидаги 1, 5, 16, 18, 19 ва 51-сонли мактабгача таълим ташкилот-ларига хизмат кўрсатяпмиз. Масалан, Фарғона шаҳрида 337 нафар, Риштон туманида эса 660 нафар болани овқатлантираемиз, — дейди Светлана опа.

Бунинг учун мактабгача таълим ташкилотлари ошхоналари ноль қийматда фойдаланиш учун берилган. Энг муҳими, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 9 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан бундай ҳужалик юри-

тувчи субъектлар коммунал тўлов-лардан озод қилинган. Қолаверса, иш самарадорлигини оширишда тadbirkorга Фарғона вилоят мактабгача таълим бошқармасининг услубий кўмаги ва тавсиялари жуда асосийроқ.

Дарҳақиқат, биз ҳам шаҳардаги 1-мактабгача таълим ташкилотиди бўлиб, тайёрлов гуруҳидаги овқат-лантириш жараёни билан танишганимизда болажонлар кўзидидаги мамнунликни кўрдик. Чунки 3 маҳаллик таомнома ҳам тўйимли, ҳам мазали овқат ва егуликлар билан бойитилган. Аутсорсинг тизимида 10 кунлик таомнома шаҳар мактабгача таълим бўлими билан бамаслаҳат, амалдаги меъёрлар асосида тузилиб, шаҳар санитария-эпидемиологик осойишталик маркази томонидан тасдиқланади. Энг муҳими, таомномада овқат турлари такрорланмаслиги керак. Шунингдек, таомномани тузишда ота-оналарнинг таклиф ва мулоҳазалари ҳам инobatга олинади. Қолаверса, таомнома фасллар ва мавсумга қараб ян-гиланиб борилади. Бинобарин,

барча ота-оналар хусусий корхона хизматидан миннатдор.

— Менинг икки нафар фарзандим — Гулёра ва Шодияхон шу бoчaга келишди. Икки нафар кизим тарбияланаётгани учун бизга тегишли имтиёз ҳам берилган, — дейди фуқаро Гулмира Муродова миннатдорлик билан.

Чиндан ҳам шундай. Ота-оналар томонидан тўланадиган ойлик бадал-вилоят маркази, туман, шаҳарлар маркази ҳамда қишлоқ жойлардаги мактабгача таълим ташкилотлари учун тоифаларга ажратилган. Масалан, Фарғона шаҳрини олайлик. Бу ерда битта бола учун белгиланган ойлик бадал 207 000 сўми, Г.Муродова сингари икки болали оилаларга эса 147 000 сўми ташкил қилади. Ёки қишлоқ жойларда битта фарзанд учун 82 000 сўм, иккита болалиларга бўлса 62 000 сўмлик тўлов белгиланган. Бадалнинг қолган қисми давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлаб берилади.

Дono халқимизда "Қиш габини ёзда!" деган пурҳикмат гап бор. Шу маънода айтганда, тadbirkor



Суратлар муаллифи Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА)

карантин чекловлари юмшатилиб, мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятига рухсат берилгунча озиқ-овқат захирасини яратиб қўйган. Бунинг учун фермер ҳўжаликлари ҳамда бошқа субъектлар томонидан озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етказиб берилаётди. Негаки захира қанчалик бекаму кўст ва сифатли бўлса, таомнома шунчалик ранг-баранг ва бой бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугун хусусий корхонада 47 нафар ошпаз ва ходимлар доимий иш билан таъминланган. Ҳозиргача Ўзбекистон ошпазлар уюшмасида 24 нафар ошпаз ўз малакасини

ошириб, диплом ва сертификатларга эга бўлган.

— Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июлдаги "Давлат мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 626-сонли қарорига биноан, айни йўналишдаги тadbirkorларга янада кенг имкониятлар яратилди. Унга кўра, аввало "Давлат мактабгача таълим муассасаларида аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом" тасдиқланди. Биз эса бунга жавобан фа-

олиятимизни янада кенгайтиришни режалаштирганмиз, — дея мамнуният билан сўзини давом эттиради Светлана Фатхуллоева.

Тadbirkorлик фаолиятини юри-тишда Светлана опага ўғли Сухробжон Узоқов доимий кўмакчи ва маслаҳатгўй. Зеро, ҳамжихатлик билан олиб борилган ишда самара ҳам шунга яраша бўлади.

Бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистон болалари ана шундай қулай шарт-шароитларда камол топмоқда.

Хуришд СУЛТОНОВ,
журналист



ФАРҒОНА ШАҲРИДАГИ "SVET WHIT INVEST" ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни, шу жумладан, мактабгача таълим тизими ходимларини, тadbirkor ва ишбилармонларни кириб келаётган Янги 2021 йил билан муборакбод этади.

Тилагимиз — Янги йил оилаларимизга қувончу шодлик олиб келсин!

Жаннатмонанд дўстларимизни, тинчлик-осойишталик, дастурхонларимизни тўкин-сочинлик тарқ этмасин!

МУАССИС:



Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сийсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Исроом ҲАМРОЕВ

Таҳрир хайъати:

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖўРАЕВ

Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Умиджон СУЛАЙМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ
Шухрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149); Котибиат — 71 288-42-14 (144); Аxbорот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (132); Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15

Навбатчи муҳаррир — Камол Матёқубов
Навбатчи — Абдулгани Солдиқов

Газета Ўзбекистон Матбуот ва аxbорот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма тоб. Офсет усулида босилган. Бўғирта 1 — 1200.

«Шарқ» НМАК босмахонасида chop этилади. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Аааа — 1432
Боснига тошпириш вақти — 21.00
Боснига тошпирилади — 19.30

Баҳоиси келишилган нархда

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри,
Чиланзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolatguz.uz adolatguz-95@mail.ru

Таҳририятта келган қўлёзмалар таъриқ қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Раслама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газетанинг сўказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

НАШР
КўРСАТКИЧИ: 100



1 2 3 4 5 6